

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 1-банди.

**«Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан 2021 йилнинг 1 ярим йиллигида амалга оширилган ишлар тўғрисида
Маълумот**

1. Давлат корхонасининг расмий номи - «Toshkent issiqlik markazi» Давлат унитар корхонаси
- 1.1. Тармоқ: Коммунал хизмат кўрсатиш
- 1.2. Мулк шакли - давлат
- 1.3. Ташкил этилган йили – 1969 й., Қайта ташкил этилган сана – 01.07.2001 й. ОАЖ га, 23.12.2016 й. "Toshkent issiqlik markazi" ДУК га.
- 1.4. Муассис – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси.
- 1.5. Директор - Султонов Шерзодбек Рахимбек ўғли
- 1.6. Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, п/б 164
- 1.7. Веб-сайт – www.tashteplocentral.uz,
- 1.8. Электрон почта манзили - tashteplocentral@mail.ru.
- 1.9. Банк реквизитлари – «Ипотека-Банк» шаҳар филиали, МФО - 00419, ИНН 200524323, х/р 2021000060018848001
- 1.10. 2020 йилда ишлаб чиқариш қувватларини ишлатиш коэффициенти– 25,4.

Давлат корхонаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорларини ва бошқа қонун ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ва фармойишларини, бошқа норматив қонун ҳужжатларини, шунингдек Низомни қўллайдди.

2. Умумий таснифи ва ишлаб чиқариш фаолияти.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг асосий ва ягона ишлаб чиқариш фаолияти Тошкент шаҳри аҳолисини ҳамда бошқа истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти бўйича эҳтиёжларини қоплашга қаратилган.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК таркибига тўққизта иссиқлик манбалари ва ёрдамчи цехлар киради, булар: электроцех, ИАЎцеҳи, МТЦ, Гараж, темир йўлдан юкларни қабул қилиш участкаси.

Иссиқлик манбаларидаги сув иситиш қозонларини умумий миқдори 48 донани ташкил этади қозонларнинг ўрнатилган қуввати 4580 Гкал/соат ва буг қозонларини миқдори 8 донани ташкил этади, уларнинг ўрнатилган қуввати 99 Гкал/соат, шу жумладан:

1-ИМ да 6та қозон – 500 Гкал/с	7-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с
3-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с	8-ИМда – 6та қозон – 300 Гкал/с, 2 та буг қозони-9 Гкал/соат
4-ИМда – 12та қозон – 900 Гкал/с, 2та буг қозони -30 Гкал/соат	9-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буг қозони-30 Гкал/соат
5-ИМда- 8та қозон – 700 Гкал/с	10-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буг қозони-30 Гкал/соат
6-ИМда – 4та қозон – 300 Гкал/с	

«Toshkent issiqlik markazi» ДУК Тошкент шаҳридаги иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи асосий корхона бўлиб, шаҳарнинг 75% эҳтиёжини қоплайди. «Toshissiqquvvati» ДУК корхонанинг улгуржи харидори ҳисобланади ва ўз навбатида Тошкент шаҳри аҳолисига ҳамда бошқа истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини реализация қилади.

3. 2021 йилнинг 1 ярим йиллигида 4803,9 минг.Гкал миқдорида иссиқлик энергияси етказиб берилган, бу ўтган 2020 йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган 4748,6 минг.Гкалга

нисбатан 55,3 минг.Гкалга ёки 1,2% га кўп. Иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилишининг ўтган йилга нисбатан пасайиши, об-ҳавонинг совуқ келиши билан боғлиқ.

Корхонада иссиқлик энергиясини меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар мавжуд эмас.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун куйидагилар сарф этилди:

Табий газ – 644456,81 минг.м³

ИОМС кислотаси – 80,93 тн.

Электр энергияси – 161602,84 минг.кВт.с

Сульфат кислотаси – 1235,52.

Совуқ сув – 57027,223 минг.м³

Техник туз – 10542,58 тн.

Мазут - 2327,56 тонна.

4. Узбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 3-банди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланганлиги муносабати билан хом – ашё ва материаллар электрон магазин орқали харид қилинади - «Toshkent issiqlik markazi» ДУК давлат харидори сифатида белгиланган.

Корхонада «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун талабларини таъминлаш тўғрисида»ги директор буйруғи (2020й.14.09.даги 193-сонли) қабул қилинган бўлиб, мазкур буйруғга мувофиқ беш хил турдаги харид жараёнлари белгиланган, харид жараёнларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс тайинланган ва харид комиссиясининг таркиби тасдиқланган.

2021 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК да 422 дона хўжалик шартномалар тузилган, шу жумладан:

- «Toshissiqquvatti» ДУК билан иссиқлик энергиясини узатиш учун

- Hududgaz Таъминот АЖ билан таъбий газни еткази бириш учун

- МЧЖ «Тошкент ЭТК» АЖ билан электр таъминоти учун

- «Toshkent shaxar suv ta'minot» МЧЖ билан сув таъминоти учун

- бошқа турдаги таъминотчилар билан (моддий – техник таъминот) умумий қиймати 12 274 млн.сўм бўлган 333 дона миқдорида

- пудратчи ташкилотлар билан умумий қиймати 21 435 млн.сўм бўлган 85 дона миқдорида

2021 йилнинг 1 ярим йиллигида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан қиймати 1287 млн.сўм бўлган 23 дона тўғридан – тўғри шартномалар тузилган (автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, статистик ҳисоботларни тайёрлаш ва ишлов бериш ишларини амалга ошириш, метрологик хизматни инспекцион назорати, СМР, экспертиза ўтказиш, ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тиббий дори воситаларни харид қилиш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва бошқалар).

5.Тошкент шаҳар истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш топширилган параметрлар асосида амалга оширилмоқда.

Корхона томонидан 2021-2022 йй.КҚМга иссиқлик марказларини тайёрлаш бўйича иш режаси тайёрланди ва Тошкент шаҳар ҳокимиятига тасдиқлаш ҳамда Тошкент шаҳар Ҳокимининг Қарорига асосан тасдиқланди.

Тасдиқланган режага мувофиқ 2021 йил I-ярим йилликда иссиқлик марказларида куйидагилар амалга оширилган:

- Қозонларнинг иситиш юзасини капитал таъмирлаш – 2 дона (4,6-ИМ);

-Қозонларни жорий таъмирлаш – 35 дона;

- Насос агрегатларини капитал ва жорий таъмирлаш – 145 дона;

-Қувурлар ва ёрдамчи ускуналарнинг иссиқлик сақлаш қопламаларининг капитал таъмирлаш – 300 м² (1-ИМ) ;

- Қозон дудбўронларини коррозияга қарши қопламаларини янгилаш – 2 дона (5,4-ИМ);

- Бакларни капитал таъмирлаш – 1 дона (3-ИМ);

- "Шимоли-Шарқий" 1-ИМда иссиқлик алмашиш ускунасини капитал таъмирлаш – 1 дона

- СВТУ ўрнатиш – 1 дона (7-ИМ);

- 3- ИМ Фильтрларни ички коррозияга қарши қопламаларини тиклаш йўли билан капитал таъмирлаш – 1 дона;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 14-банди.

2021 йилнинг 6 ойида капитал ва жорий таъмирлаш ишларининг ҳаражати тахминан 6115 млн.сўми ташкил этади.

6. Ҳозирги вақтда Жаҳон банки иштирокидаги «Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш (Тошкент ш. - «Сергели» 8-ИМ)» инвестицион лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12.04.даги 306-сонли қарори қабул қилиб, ушбу қарорга мувофиқ:

Халқаро консултант (Consulting Engineering Control Techniques - СЕСТ, Россия) томонидан тендер ҳужжатлари тайёрланди ва таклифлар олиш учун интернет тармоғига жойлаштирилди. 8-ИМ «Сергели» бўйича ишларни 2021 йилда бошлаш режалаштирилган.

«Toshkent issiqlik markazi» ДУК 8-ИМ иссиқлик манбасининг реконструкцияси ва модернизацияси энергоресурсларни иқтисодига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 3.32-банди.

2021 йилда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар жалб этилмади.

«Toshkent issiqlik markazi» ДУКда мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш ҳаражатлари мавжуд эмас.

7. 2021 йилнинг 1 ярим йиллигида сотилган иссиқлик энергиясидан олинган даромад ҚҚСсиз 511618 млн.сўми, ҚҚС билан 588361 млн.сўми ташкил этди.

Иссиқликни ишлаб чиқариш учун умумий ҳаражатлар миқдори тахминан 536919 млн.сўми ташкил этади, шу жумладан:

- ишлаб чиқариш таннари – 500558 млн.сум, давр ҳаражатлари – 36361 млн.сўм.

2021 йил 1 ярим йиллиги якуни бўйича «Toshkent issiqlik markazi» ДУК зарари 23379 млн.сўми ташкил этди, мазкур зарар энергоресурслар нархларини ошганлиги ва суд ҳаражатлари кўринишидаги ноишлб чиқариш ҳаражатлари сабабали юзага келган.

2021 йил 01.07. ҳолатига иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 106500 минг/Гкални ташкил эмокда, мазкур тариф 2019 йил 15.08.дан амалга киритилган.

Иссиқлик энергияси тарифларини қайта кўриб чиқмасдан ва нархларни фарқи сабабли юзага келган зарарни қоплаш ишларини амалга оширмасдан 2021 йил якунилари бўйича ижобий молиявий натижаларга эришиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1- илова 5-банди.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК учун 2021 йилда бюджет маблағлари ажратилмаган.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКда давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиниши режалаштирилмапти.

8. Бундан ташқари асосий ҳом – ашё нархини ўсиши ва иссиқлик энергиясининг тарифларни қайтадан кўриб чиқмаслик дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини ўсишига тўғридан - тўғри таъсир қилади, мазкур ҳолатга қатъиян йўл қўйиб бўлмайди, сабаби ушбу ҳолат иссиқлик марказлари ускуналарини 2021-2022 йй. иситиш мавсумини талофатларсиз ўтказишга тайёрлашни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тайёрлашни хавф остига қўймоқда.

Корхонанинг дебитор қарздорлиги 2021 йилнинг 01.07. ҳолатига 1 666 469 млн.сумни

ташкил этди, шу жумладан тулов муддати ўтган карздорлик 445 311 млн.сум. Корхонанинг асосий дебитори - «Toshisqiqquvvati» ДУК булиб хисобланади - 1 662 292 млн.сум (99,7%), шу жумладан тулов муддати ўтган карздорлик 445 311 млн.сум..

Корхонанинг кредитор карздорлиги 2021 йилнинг 01.07. ҳолатига 1 712 321 млн.сумни ташкил этди, шу жумладан тулов муддати ўтган карздорлик 588 418 млн.сум. Корхонанинг асосий кредитори «Узтрансгаз» АЖ Тошкент шаҳри бўйича ГТФ хисобланади – 1 640 887 млн.сум (95,7%), шу жумладан тулов муддати ўтган карздорлик 588 418 млн.сум.

Дебитор карздорликнинг тизимли равишда мавжудлигининг асосий сабаби иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори «Toshisqiqquvvati» ДУКнинг тўлов қобилиятсизлиги ва маъёрдан ортик йўқотишлари истеъмоли ва бу ҳолат пул маблағлари билан қопланмаслиги.

9. 2021 йилнинг ярим йиллиги якуни, корхонада иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, хом-ашё, реогентлар ва энергоэлитувчилардан оқилона фойдаланиш бўйича ишларни амалга оширилаётганидан далолатдир. Тошкент шаҳри истеъмолчиларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш ишлари буюрилган параметрларга мувофиқ амалга оширилади. Корхона бўйича маъёрдан ортик бўлган йўқотишлар мавжуд эмас. Иссиқлик марказларини 2021-2022 й.й. кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилмоқда.

2021 йилнинг 2-ярим йиллигида иссиқлик энергиясини узатиш ҳажми 3378 минг.Гкал миқдорида режалаштирилган бўлиб, бу бутун 2021 йил учун 8181,9 минг.Гкални ташкил этади. 2021-2022 й.й. иситиш даврини талофатларсиз ўтказиш ва иссиқлик энергиясини узлуксиз узатиш, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун энергоресурслар сарфини пасайтириш ва иқтисод қилиш бўйича чора – табдирларни амалга ошириш бўйича ишлар давом эттирилади. Пул маблағининг мавжудлиги ва иссиқлик энергияси тарифини қайта кўриб чиқиш мураккаб масаласи бўлиб қолмоқда, бу масала Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимида комплекс тарзда ҳал этилиши лозим, корхона мустақил тарзда мазкур масалани ечиш имкониятига эга эмас.

Директор



Султонов Ш.Р.